

“Ўздавнефтгазинспекция”нинг “Нефть маҳсулотларини (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) сотиш” фаолиятини лицензиялаш бўйича Комиссиясининг 2018 йил “22”июндаги 1-сонли йиғилиш баёнига **2-илова**

МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР

I. “Ўздавнефтгазинспекция” ҳудудий бўлимининг нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ҳисобга олиш ва сотиш учун нефть омбори хўжалигининг асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ҳолати, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг махсус маълумотга эгалиги бўйича лицензия талабгорига бериладиган хулоса учун қўйиладиган талаблар

1. Юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), нефть омборининг тўлиқ манзили, фаолиятнинг лицензияланадиган турини кўрсатилган ҳолда хулоса олиш тўғрисидаги мурожаати;

2. Фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун фойдаланиладиган муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарга эгалик ҳуқуқини (кадастр, давлат рўйхатдан ўтганлиги) ва бошқа ашёвий ҳуқуқни (нотариал ва давлат рўйхатидан ўтганлиги) тасдиқловчи ҳужжатларининг мавжудлиги.

3. Нефть омбори ҳудудида нефть маҳсулотларини вагон цистерналардан қабул қилиш учун боши берк темир йўлнинг мавжудлиги, фаолияти лицензияланадиган ҳар бир маҳсулот турини вагон-цистерна ёки автоцистерналардан алоҳида-алоҳида қабул қилиб олишда технологик жиҳозлар билан таъминланганлиги, уларнинг лойиҳага мувофиқлиги.

4. Битум ва қуюқ техник мой маҳсулотларини қабул қилиш ва тарқатишда қиздириш мослама ва қурилмаларнинг мавжудлиги, шунингдек қадоқланган маҳсулотларни тушириб олишда техник ҳолатининг талабларга мувофиқлиги.

5. Нефть омборида нефть маҳсулотларини сифимлар бўйича алоҳида қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш имконияти яратилганлиги, шунингдек фаолияти лицензияланадиган нефть маҳсулотларининг аниқ турини (автобензин, дизель ёқилғиси, экстрабензин, печь ёқилғиси, мазут ёқилғиси, нефть битуми, техник мойлар ва мойлаш материаллари) кўрсатилганлиги.

6. Фаолияти лицензияланадиган нефть маҳсулотлар тури билан шуғуллананиш юзасидан нефть маҳсулотларини таъминловчи корхоналар билан тузилган келишувларнинг мавжудлиги.

7. Нефть маҳсулотларининг сифатини давлат стандартлари ва техник шартларга мослигини назорат қилиш кимё лабораториясининг мавжудлиги ва уларни керакли анжомлар билан таъминланганлиги ёки “Ўзстандарт” агентлиги томонидан шаходатланган кимё лабораторияси билан тузилган шартномаларнинг мавжудлиги.

8. Нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатишда талаб қилинадиган метрологик ўлчов асбобларининг мавжудлиги, сифимлар ва қувурларга ҳажмлагич жадвалларини тузилганлиги ва уларни “Ўзстандарт” агентлиги томонидан давлат қиёслов кўригидан ўтказилганлиги тўғрисида сертификат гувоҳномаларнинг мавжудлиги.

9. Штатда лицензияда кўрсатилган фаолият тури бўйича тегишли маълумотга ва камида 3 йил иш стажига эга бўлган ходимларнинг мавжудлиги ва уларнинг махсус тайёргарликка эгалиги бўйича маълумотнинг мавжудлиги.